REPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 22-MAY ■ PAYSHANBA ■ 64 (27.084) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Демократик тараққиёт муаммолари

партия Марказий Кенгашига ташриф буюрган АҚШнинг Халқаро республика институти дастури директори Грег Стивенсон ва Ўзбекистон ХДП раҳбарияти ўртасида 2003 йил 20 май куни бўлиб ўтган учрашувда асосий ўрин эгаллади. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг дастурий мақсадлари, амалий фаолияти ва мамлакатдаги демократик ўзгаришларда иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Суҳбат давомида америкалик меҳмон у раҳбарлик қилаётган дастурнинг асосий вазифаси Ўзбекистондаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Суҳбат иштирокчилари ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйишга истак билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«Нурбулоқ» — шифобахш сув

НАВОИЙ. (ЎзА мухбири Ёркул Умар). Ўтган йили «Навоийполиграфсервис» корхонасида «Нурбулоқ» газли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бугунги кунда унинг доврўғи вилоятдан ташқарига ҳам кенг ёйилди. Булоқ суви таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган ўн уч хил маъданли модда мавжуд. Корхонада кунига ўн минг дона 1-1,5 литрлик пластмасса идишларга қуйилган чанқовбосди ичимлик суви тайёрланмоқда.

Корхона маҳсулотлари Учқудуқ, Томди, Нурота, Конимех тумани, Зарафшон ва Навоий шаҳарларига етказиб берилмоқда.

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Сифатли буюмлар ярмаркаси

Маълумки, ички истеъмол бозорини янада тўлдириш, улгуржи савдо корхоналарини ҳудудлар бўйича бир текис жойлаштиришни таъминлаш, пул айланмасини тезлаштириш, четдан сифатсиз маҳсулотлар келишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **«Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарор қабул қилганди. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимида 74 та хусусий улгуржи базалар ташкил этилди. Уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш йўлида имтиёзли кредитлар ҳам ажратилди. Сабаби чакана савдо корхоналари тизимида ижобий силжишлар бўлса-да, аҳолига халқ истеъмоли моллари етказиб беришда айрим муаммолар юзага келаётганди.

Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган 13 та минтақавий улгуржи-чакана савдо ярмаркалари ана шу муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнаши кўзда тутилган.

Куни кеча Тошкентнинг Юнусобод мавзесида жойлашган «Ўзбекистон» спорт мажмуида «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекчармпойабзал», «Ўзбек ипаги», «Ўзбекқоғозсаноат», «Маҳаллий саноат» уюшмаларининг вилоят тизимлари, «Файз» холдинг компанияси сингари кўплаб корхоналар ўз маҳсулотларини ярмаркада намойиш этдилар. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси корхоналари жамоалари ҳам кўргазмада фаол қатнашиб, ўз маҳсулотларини улгуржи базаларга тавсия қилишди. Ярмарка иштирокчилари ўртасида ўзаро шартномалар тузилди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

✧✧✧

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Биз билган ва билмаган тарих

Шарқ кўркига айланган шаҳар

Пойтахтимиз юртимизнинг кўрку таровати ва халқимиз салоҳиятининг тимсоли, десак, бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси астойдил жон куйдириши, уни эъзозлаб ардоқлаши ва у билан ифтихор қилиши даркор, шунда биз бошлаган ишлар чиройли якун топиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ,
1990 йилнинг 20 январи

Беқиёс ўзгаришлар даври

Иккинчи мақола

Инсон меҳнати билан бир дона буғдой бир ҳовуч донга айланади. Кеча экилган ниҳол бугун шиғил ҳосил беради. Тоғ ва қоялар бағрини тилиб, равон ва муаззам йўллар қурилади.

Яратиш туйғуси...

Одамзот қалбида бу туйғу куни кеча пайдо бўлган эмас. Кимдир «Шашмақом»ни ва яна кимдир «Алпомиш»ни яратган, кимлардир уларга сайқал берган. Шу билан ҳаёт яшарган, армон ва тилаклар рўёбга чиққан...

Халқимизнинг буюк фазилатларидан бири шуки, бир тўғрам нонни кам еса ейди, аммо яхши ният билан уй қуради, боғ яратади. Биз кўрмаганни фарзандларимиз кўрсин, деб ҳаракат қилади.

Миллат ва келажак ташвиши билан яшайдиган шахслар эса халқимнинг қаддини, мартабасини кўтарайин, юртимни обод қилайин, деган қутлуғ мақсадда ҳаловат билмайди, улуғвор ишларга қўл уради, кашфиётлар яратади. Ватан шундан куч-қувват олади ва гуллаб-яшнайди.

Кеча барчани ҳайратга солган мўъжизаларга бугун кўзимиз ўрганиб қолади ва эртага ҳаётнинг ўзи янада улкан ишларга қўл уришга даъват этади.

Тараққиёт қонуни шундай.

Бунёдкорлик дебочаси

1991 йилнинг 28 сентябрида Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистон миллий боғи ва Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши пойтахтимиздаги беқиёс ўзгаришларнинг муқаддимаси бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Миллий боғ деганда аксарият кўпчилик мовий гумбазли муҳташам ҳавозани, мутафаккир шоиримизнинг улуғвор ҳайкалини ва ҳар йили Наврўз байрами тантаналари бошлаб бериладиган кўркам сайилгоҳни кўз олдига келтиради. Ҳолбуки, ҳудуди яқин йиллар ичида 100 гектардан дўкони бўлганини билмайди, албатта.

Бу хотиралар беихтиёр ўша мураккаб даврларни ёдга солади. **«1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик,** — деган эди Президент Ислом Каримов 1992 йилнинг июлида. — **Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди».**

Озиқ-овқат таъминоти ҳаётмамот масаласига айланган ғоят мушкул мана шу шароитда ҳам давлатимиз раҳбари олтин саноатини тубдан ошиши кўзда тутилган Миллий боғ Бешёғоч майдонидан бошланиб, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасигача давом этади ва 1992 йили барпо этилган «Наврўз» ресторани ҳамда Тантаналар уйини, Олий Мажлиснинг муаззам биносию унга туташ бўлган сунъий кўл ва фавворалар мажмуини, кўҳна Абулқосим мадрасасини ўз ичига олади.

Миллий боғ бугун нафақат ўттиз мингдан ошиқ аҳоли яшайдиган йирик мавзенинг, балки бутун пойтахтимизнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб турибди.

Бугун, орадан йиллар ўтгач, жуда кўп воқеалар ёдимиздан кўтарилиши табиий. Ҳозирги ёшлар Олий Мажлис биноси ўрнида пастқам кулбалар, Амир Темур хиёбонидаги гулзор ва фавворалар мажмуи ўрнида кўримсиз бир ошхона, пивохона ҳамда сув янгилаш, Асака автомобиль заводини барпо этиш ва пойтахтда бошланган бунёдкорлик ишларини давом эттириш масалаларини асло эътибордан соқит қилмаган. Чунки бу — юз минглаб инсонларнинг, қолаверса, мамлакатнинг келажагига бевосита дахлдор масалалар эди. Шу боис барча имкониятлар ишга солинган, қийинчилик билан бўлсада, айнан шу йилларда зарур маблағ излаб топилган ва шаҳардаги 3 миллион 634 минг квадрат метр йўл ва йўлаклар, 361 километр ёритиш тармоқлари, 245 километр узунликдаги суғориш тармоқлари, 11 та бозор тубдан қайта таъмирланган, замонавий турар жой бинолари, шифохона ва таълим муассасалари, автомарказ, савдо уйлари, спорт иншоотлари барпо этилган.

1993 йилнинг августида буюк бобокалонимиз Амир Темурга пойтахтда ҳайкал ўрнатилди ва шу муносабат билан марказий хиёбон, унга туташ кўчалар тубдан қайта таъмирланиб, янгича қиёфа, бетакрор жозиба касб этди. Кейинчалик хиёбон атрофида барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи, фавворали ҳовуз ва сайилгоҳ бугунги кунда яхлит бир ансамблни ташкил этади.

Ўша йилнинг сентябрида, анҳор ёқасида яна бир кошона — муҳташам «Туркистон» маданият саройи ишга туширилди. Сарой олдидаги гўзал майдон, чиройли фавворалар ва санъатнинг азалий рамзи, сарой ортидаги 3600 ўринли ёзги томошагоҳ, кўркам хиёбон ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Бугун дунёга маълум ва машҳур «Юнусобод» спорт мажмуаси ҳам ўша йили ишга туширилди. Мингдан зиёд томошабинга хизмат кўрсатадиган, 10 та теннис майдонига эга бўлган, мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини бутун оламга кўз-кўз этиб келаётган бу мажмуага кейинчалик «Ўзбекистон» номи берилди.

Энг муҳими, пойтахтимизда бунёд этилаётган ҳар бир ансамбль ўзининг яхлитлиги, жозибадорлиги, шаҳар меъморчилигини такомиллаштириб бориши ва унинг чиройини очиб юбориши билан алоҳида ажралиб туради.

Эски шаҳарнинг янги қиёфаси

«Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак, хато бўлмайди, — деган эди Президент Ислом Каримов. — **Эски шаҳар — қадимийлик, миллийлик тимсолидир».**

Эски шаҳар аҳли истиқлолга қадар озмунча қийинчилик кўрмаган. Бу жойлар ичимлик суви, ҳатто табиий газ билан таъмин этилмаган эди. Кўримсиз, лойшувоқ уйлар, боши берк тор кўчалар минг йиллардан буён қилт этмай турганидек, бу омонат ҳаётни ўзгартириш ҳеч мумкин эмасдек бўлиб туюларди.

Ниҳоят, Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида бу масалада дадил иш бошланди. Даставвал Соғбон, Қорасарой, Чимбой, Ғафур Ғулом, Форобий каби эгри-бугри, тор кўчалар икки баробар кенгайтирилди, равон магистрал йўллар барпо этилди ва жамоат транспортининг барча турлари, жумладан, троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Бу йўлларнинг ҳар икки тарафида яшил майсазор ҳамда пиёдалар учун махсус йўлаклар яратилди. 167 гектардан ошиқ ҳудуд кўкаламзорлаштирилди. Қарийб етмиш маҳаллада гузар, юзлаб тижорат дўконлари, чойхоналар қуриб, ишга туширилди. Шундан сўнг Аҳмад Дониш кўчасида 1151 метр-

Консерваториянинг янги биноси

Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

Ёшликдаги соатларнинг ишини кексаликнинг йиллари ҳам бажаролмайди. Унинг ҳар сониясидан унумли фойдаланиш, эзгу мақсадлар йўлида сарфлаш бугун истиқлол истеъдодларининг юрак амрига айланди.

Акмал Ахатов 1974 йилда Самарқанд вилояти, Жума шаҳрида туғилган.

1991-1997 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг амалий математика факультетида таҳсил олган. 1999 йилда «Техник тизимларда бошқариш» мутахассислиги бўйича СамДУ аспирантурасига қабул қилинган.

Акмалнинг шу кунгача тўртта илмий мақоласи чоп этилган. Учта патент муаллифи. Халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда бир неча бор иштирок этган. У давлат илмий-техника дастури бўйича грант иштирокчиси.

Акмал Ахатов «Электрон тармоқларда қайта ишлаш учун узатиладиган матнли маълумотлар таркибидаги хатоларни аниқлаш ва тузатиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзуидаги номзодлик диссертацияси устида ишламоқда.

Ёш олим мамлакатимиз олий ўқув юртлари магистрлари орасида 2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлди.

Келажакда илмий-тадқиқот ишининг иккинчи босқичини хориж илм масканларида давом эттириш ниятида.

(Ўз мухбиримиз)

МЕҲМОН

Афанди бир куни борди меҳмонга,
Ажойиб уй экан, хуш ёқди жонга.
Сўнгра тўрга ўтиб, ётиб олди-ю:
— Энди мен кетмайман! — деди мезбонга.

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил, 20 май

2-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Биз билган ва билмаган тарих

Шарқ кўркига айланган шаҳар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эски шаҳарнинг Чақар, Қоратош, Кўмирчи маҳаллаларида янги турар-жой бинолари барпо этилди ва 5 мингдан зиёд оила замонавий уй-жойларга кўчирилди.

Зарқайнар, Уйғур кўчалари, Хадра майдони қайта таъмирланди. Фурқат, Қорасарой, Бешёғоч, Каттабоғ кўчаларида фақат йўловчиларга қулайлик яратиш учун эмас, балки меъморий санъат обидаси сифатида замонавий кўприклар, ер ости, ер усти ўтиш йўллари бунёд этилди.

Эски шаҳарни ободонлаштириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида амалга оширилган беқиёс ишлар боис тасаввуримизда ўрнашиб қолган унинг азалий қиёфаси тамомила ўзгариб кетди. Агар ёдингизда бўлса, Чорсу майдонининг кунботар томонида баҳайбат жарлик бўлар эди. Мана шу жарнинг ўрнида кўркам ва файзли «Жар» спорт мажмуи барпо этилди. Бугун, бу ерлар илгари қандай ташландиқ жой бўлганини айтсангиз, ҳозирги ёшларнинг ишонмаслиги табиий.

Йўллар ва кўприклар

Тошкент шаҳрида кейинги йиллар ичида юзлаб километр янги йўл қурилди ва эскилари таъмирланди, 9 та муаззам кўприк барпо этилди. 10 та автомобиль йўл ўтказгичи, 10 та йўловчиларнинг ер ости ўтиш йўли, 5 та транспорт ер ости ўтиш йўли қуриб, ишга туширилди. Шу билан бирга, метронинг учинчи навбати — Юнусобод йўналиши иш бошлади. Ҳозир биргина мана шу йўналиш ҳар куни 40 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Тасаввур қилинг, биз юқорида тилга олган иншоотлар қанчадан-қанча ҳамшаҳарларимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Шу ўринда шаҳримизнинг жанубида, аввалги Ипподром, ҳозир тубдан қайта қурилган «Чилонзор» буюм бозори атрофида амалга оширилган ўзгаришларни эслаш жоиз, албатта.

Даставвал, Гавҳар ва Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи муаззам кўприк ва унинг теграсида тасмадек тизилган замонавий янги йўллар тармоғи барпо этилди, шундан сўнг бутун йўллар атрофига майсалар ёткизилиб, гулзорлар ва хиёбонлардан иборат яшил ҳудуд яратилди.

— *Аввал бу йўлда машиналар «тиқилиб» қолиб, соатлаб диққат бўлиб ўтирар эдик,* — дейди тошкентлик ҳайдовчи Баҳодир Қурбонов. — *Мана, янги йўллар очилиб, эскилари кенгайтирилди, замонавий талаб даражасида таъмирланди, бу халқнинг кўнглидаги иш бўлди.*

Бугун Тошкент кўчалари бўйлаб сайр этган одам ҳар қадамда худди мана шундай файзу тароватдан баҳраманд бўлади. Халқлар дўстлиги шоҳкўчасидан Навоий шоҳкўчасига олиб чиқувчи сертармоқ йўлларни, мазкур кўчанинг ўзида амалга оширилган кенг кўламли таъмирлаш ва йўл қуриш ишларини, Космонавтлар шоҳкўчасининг бугунги қиёфасини бир кўз олдингизга келтиринг.

Миробод бозори тарафдан чиқиб келувчи Нукус кўчасининг бугунги таровати, Боғи Эрам ёнидан ўтувчи қатор йўллар тизими, мана шу ҳудуддаги сунъий кўллар, майсазорлар ва боғ-роғлар яхлит бир истироҳат масканини ташкил этади. Пушкин майдонининг қуйи ва юқори қисмларида ҳам худди шундай хушманзара хиёбонлар барпо этилди.

Бу ям-яшил қенгликлар пойтахт чиройини очиш билан бирга, шаҳарга ҳаво бағишлаб, халқимизга хос бағрикенгликни ўзида намоён этиб турибди. Ҳозир ушбу ҳудудда қатор замонавий қаҳвахона, ресторан, чойхона ва тижорат дўконлари кечаю кундуз сайёҳлару ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда...

Кичик халқа йўл

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилаётган Кичик халқа йўл жуда қисқа вақт ичида пойтахт ички транспорт магистралининг ўзак томирига айланди. Унинг ишга туширилган қисми 35 километрдан иборат. Учта муаззам кўприк йўлни чамбарчас боғлаб турибди. Буюк ипак йўли, Паркент ва Пушкин кўчаларида қад ростлаган бу иншоотлар ўнлаб йўлларнинг асосий йўналишга боғланишидаги узвийликни таъминлайди.

Кичик халқа йўлнинг эни 32 метр, унда бирйўла саккиз қатор машина эмин-эркин ҳаракат қилади. Йўловчилар бирон-бир жойда уни кесиб ўтмайди, чунки бунга ҳожат йўқ. Ҳайдовчи учун ҳам, йўловчи учун ҳам барча қулайлик яратилган. Шу мақсадда жами тўққизта йирик замонавий кўприк қурилиши кўзда тутилган.

Магистралнинг Буюк ипак йўли билан кесишган жойида 77 метр узунликдаги автомобиль йўл ўтказгичи барпо этилди. Унинг Усмон Носир, Мирзамаҳмуд Мусахонов, Хидирали Эргашев, Паркент ва Фарҳод кўчалари билан кесишган ўринларида ҳам худди шундай йўл ўтказгичлар қуриб, ишга туширилди. Қайковус ва Салор каналларининг кўприклари қайта таъмирланди. Оқ йўл ва Старадубцев кўчаларида эса йўловчилар учун ер ости ўтиш йўллари бунёд этилди.

Шу кунларда Генерал Узоқов кўчасининг Уйғур кўчаси билан кесишган қисмида автомобиль йўл ўтказгичи қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Кичик халқа йўл бўйлаб манзил сари борар экансиз, унинг ҳар икки томонида киприкдек тизилган тераклар, қатор арчалар, ям-яшил ва бетакрор манзаралар намоён бўлади.

Мангуликка дахлдор

Етмишинчи-саксонинчи йилларда Тошкентга қадами етган одам ЦУМ ва ГУМга қараб йўл оларди, ҳозир эса Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи пойтахтнинг энг гавжум зиёратгоҳларига айланган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилган бу мўътабар қадамжолар зиёратчиларни ўз бағрига чорлаб туриши бежиз эмас, албатта. Улар бу масканда ўз йўқотганларини топгандек бўлади, бу ёруғ оламда адолат борлигига, меҳр-оқибат устувор эканига, ҳеч бир инсоннинг эл-юртга хизмати унутилмаслигига ишонч ҳосил қилади.

Иккинчи жаҳон урушида юз минглаб ватандошларимиз қурбон бўлди, кўпдан-кўп инсонлар ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетди.

Айниқса, зулм ва зўравонликка асосланган мустабид тузум қатағонлари неча минглаб инсонларнинг ёстиғини қуритди. Халқимизнинг миллатпарвар ва юртпарвар фарзандлари, шу билан бирга, ҳеч қандай айби бўлмаган кўпдан-кўп оддий деҳқонлар, ҳунарманд ва косиблар, ишчи-хизматчилар, қарийб 100 минг одам асоссиз равишда қатағон гирдобига тортилди.

— **Биз бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган аждодларимиз хотираси олдида қарздормиз,** — деган эди Президент Ислом Каримов. — **Эҳтимол, уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номларини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, хурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.**

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, жарлик ва қамишзорлардан иборат бўлган Бўзсув бўйидаги ташландиқ ерда машъум 1937-1953 йилларда минглаб фидойи инсонлар шафқатсизларча қатл этилган. 1999 йилнинг июлида тарихий адолатни тиклаш мақсадида мана шу жойда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этиш ҳақида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

— *1999 йилнинг августида Президентимиз ўзлари келиб, қатлгоҳ ўрнини кўздан кечирдилар, ҳов у тепаликда туриб, зиёратгоҳ қандай бўлишини, қаерда хиёбон, қаерда кўприк, қаерда ёдгорлик барпо этилишини бирма-бир кўрсатиб бердилар,* — деб ҳикоя қилади Ғиёс Умаров номли маҳалла оқсоқоли Абдужаббор Илёсов. — *Илгари бу атрофга биров яқин йўламас эди. Жуда хароб, ташландиқ, қарғиш теккандек бир жой эди. Қаранг, қандай кўркам масканга, ҳавас қилса арзийдиган зиёратгоҳга айланди. Яхшиликнинг шарофати, дегани шу-да.*

— *Бу муқаддас зиёратгоҳ халқимиз меҳр-оқибатининг тимсолига ўхшайди,* — дейди адиба Холида Аҳророва. — *Юртбошимиз раҳнамолигида, улкан боғ оғушида барпо этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ўзининг меъморий жозибаси билан кишини лол қолдиради.*

— *Мен музейдаги нодир ҳужжатлар орасида қатағон этилган отамнинг расмини кўриб қолдим,* — дейди тошкентлик оқсоқол Жўрахон Хожихонов. — *Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Биз учун дунёда бундан азиз жой йўқ...*

Мовий гумбазли ҳавоза, оч яшил рангдаги ёдгорлик тоши, миллий табиатимизга хос сокин ва мўътабар бу масканга эман, каштан, қарағай, Тянь-шань арчаси каби турли дарахтлар алоҳида файз бағишлаб турибди.

Зиёратгоҳга киришдаги сув ҳавзаси, унинг икки тарафидаги шинам йўлаклар, шаршарага ўхшаб кетувчи фавворалар, фонусдек осилиб турган чироқлар, худди парвоз қилаётгандек бўлиб туюлувчи муаззам кўприк, ҳамма-ҳаммаси бир-бирига ғоятда уйғун ва мутаносиб. Бу маскан айниқса кечки пайт, чироқлар шўъласида сирли бир сокинлик касб этади.

Пойтахтимиз ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш моҳият эътибори билан мана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, десак, хато бўлмайди. Улар ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлашга даъват этади. Шу билан бирга, ёш авлодни эзгулик, яратувчилик руҳида тарбиялашга, Ватанимизнинг ҳар бир қарич тупроғи мўътабар эканини англашга хизмат қилади.



«Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи

Анъаналарни эъзозлаш

«Консерватория» сўзининг луғавий маъноси «анъаналарни сақлаш» демакдир. Икки дарё оралиғида жойлашган она диёримизда санъат ва мусиқа ҳар доим эъзозлаб келинган.

— *Хоразмий, Форобий, Ибн Сино забардаст мусиқашунос ҳам бўлган, Темурийлар даврида мусиқа санъати давлат сиёсати даражасига кўтарилган,* — деб ҳикоя қилади санъатшунос олим Отаназар Матёқубов. — *Улуғ аждодларимизнинг ўлмас анъаналарини ривожлантириш мақсадида маърифатпарвар боболаримиз 1918 йили Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида халқ консерваториялари ташкил этади, лекин, афсуски, уларнинг фаолияти кўп узоққа бормайди.*

1936 йили Тошкент шаҳрида консерватория иш бошлади, бироқ унинг биноси ҳам, ўқув шароити ҳам ўзига яраша аҳволда эди. Шунга қарамасдан, истиқлол даврида Алексей Султонов, Улуғбек Полвонов, Даниил Холиқов, Лола Астанова, Нодир Ҳошимов каби ўнлаб ёшлар нуфузли халқаро танловлар ва мусиқа фестивалларида ғолиб чиқиб, ҳозирги замон ўзбек мусиқа маданиятини дунёга намойиш этди.

Истиқболимиз тимсоли бўлган мана шундай истеъдодли ўғил-қизларимиз парвозига қанот бўлсин деган мақсадда 2002 йили Тошкентда миллий ва жаҳон меъморчилигининг мумтоз намуналарини ўзида мужассам этган янги санъат кошонаси барпо этилди. Консерваториянинг мўҳташам биноси дунёдаги энг машҳур олий мусиқа даргоҳлари билан бемалол беллаша олади. Унда мусиқий таълимнинг барча нозик жиҳатлари инобатга олинган.

Бу санъат кошонаси атрофини қуршаб турган ва файзу тароват касб этган боғ ва хиёбон, дарахтзор оралаб ўтган йўл ва йўлаклар, мажнунтоллар солланиб турган сунъий кўл, бир сўз билан айтганда, яшиллик барқ урган бу илҳом маскани ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Бугун, «Мана шу муаззам кошона ўрнида илгари пиво заводи бўлган», десангиз, ким ишонади?

1999-2001 йилларда Миллий академик драма театри ва Ўзбекистон рус академик драма театри жамоалари кўркам ва замонавий янги биноларда иш бошлашди.

— *Тўққиз ой ичида, шаҳарнинг энг марказида амалда янги театр саройи бунёд этилди,* — дейди рус драма театри директори Владимир Шапиро. — *Биз неча йиллардан буён мана шундай гўзал биномиз бўлишини орзу қилиб келганмиз. Жамоамизга кўрсатилган бу ғамхўрлик мана шу заминни ўзига Ватан деб билган турли миллат ва элатлар маданияти равнақ топсин деб жон куйдиришнинг амалдаги ифодасидир.*

Эл-юрт салоҳияти ифодаси

Собиқ иттифоқ даврида, Ўзбекистонда хоккейни ривожлантирамиз, деб махсус спорт саройи қурилгани ёдингиздадир. Бу зўрма-зўраки ҳаракатдан, минг афсуски, натижа чиқмади. Истиқлолдан сўнг ана шу бино негизида «Алпомиш» халқаро савдо-кўргазма мажмуи барпо этилди, эндиликда бу жой шаҳарнинг энг гавжум масканларидан бирига айланди ва у халқимизга, жамиятимизга хизмат қилмоқда.

Ҳозир Тошкентда 90 та касб-ҳунар коллежи, 32 та лицей фаолият кўрсатаётган бўлса, улар учун махсус барпо этилган замонавий илм даргоҳлари ҳам дунёдаги ҳеч қайси олий ўқув юртининг биносидан қолишмайди.

Кейинги йилларда бунёд этилган Миллий банк, Халқаро бизнес маркази, Банклар ассоциацияси ва шаҳар ҳокимлиги биноларини оласизми, «Интерконтиненталь», «Шератон», «Ле-меридиан» меҳмонхона мажмуаларини, ёки бўлмаса, «Динамо» теннис ўйингоҳи, Ёпиқ сузиш ҳавзаси, «Гольф клуб», «Миллий банк — Осиё» каби маҳобатли спорт мажмуаларини оласизми, ҳар бирининг яратилиш тарихи, бетакрор меъморий жозибаси, шу билан бирга, ўзига хос ва ўзига мос яшил ҳудуди, сунъий кўли ёки фавворадар мажмуи мавжуддир.

Шу кунларда Миробод бозорига йўлингиз тушса, Динмуҳаммад Қўнаев кўчасига чиқиб, унинг кунботар томонига бир қаранг, ҳайрон қоласиз, чунки янги йил арафасида бу кўчанинг қиёфаси тамомила бошқача эди. Ҳозир муҳташам «Гранд Мир» меҳмонхонаси, унинг кўркам ресторанлари, сал берида эса оқиш ғиштдан барпо этилган улуғвор «банк уйи», супермаркетлар...

Дарвоқе, ҳамшаҳарларимиз «банк уйи» деб атаётган ва ўзининг бетакрор меъморий жозибаси, ички шарт-шароити билан кишиларни маҳлиё этаётган турар жой бинолари 1996 йилнинг январидан сўнг қурила бошланган. Ўшанда «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳақида»ги Президент фармонига биноан «Тошкентуйжойжамғармабанк» ташкил этилган. Бундан кўзда тутилган мақсад — тенг ярмига давлат маблағини, қолган қисмига эса буюртмачиларнинг сармоясини жалб этиб, ҳамшаҳарларимиз учун замонавий уйлар қуриш, шу тариқа аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва пойтахтни обод этишдан иборат эди. Биринчи навбатда шаҳар марказидан мингта квартира қуриш учун ер ажратилди. Иморатлар иқлим табиатидан келиб чиқиб, пишиқ ғиштдан қурилди, ички тузилиши ҳам оилаларимиз талабига мос қилинди. Пардозлаш ишлари ҳам буюрмачи талаби асосида амалга оширилди. Ўша йили 216 оила мазкур банк томонидан барпо этилган замонавий уйларга кўчиб кирди.

Қурилиш амалиётидаги янги тажриба вилоятларда ҳам кенг ёйилгач, давлатимиз раҳбари уй-жой жамғарма банк мамлакат миқёсида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ, деб топди. Банк томонидан ўтган вақт ичида кўпдан-кўп турар жой биноларини барпо этилди, жумладан, пойтахтда ҳозир 5345 оила мана шундай уйларда истиқомат қилмоқда.

— *Ўзбекистонга оёқ қўйишим билан вужудимни ҳаяжон босади,* — дейди юртимизда туғилиб ўсган афсонавий футбол юлдузи, «Пахтакор»нинг собиқ дарвозабони Юрий Пшеничников. — *Икки йилча олдин Тошкентга бориб, кўзларимга ишонмай қолдим, таниб бўлмас даражада ўзгарган, гўзал бўлиб кетган...*

Дарҳақиқат, истиқлолдан сўнг пойтахтимизда юзлаб муаззам иншоотлар, «Нур», «Қоратош», «Олимлар» ва Амир Темур маҳалласидаги каби ноёб гузарлар, замонавий шифохоналар, банкларнинг кўркам маъмурий бинолари барпо этилдики, биз уларнинг ҳар бири билан ҳақли равишда ифтихор қилсак арзийди.

Хулоса ўрнида

— *Мен талабалик вақтимда Тошкентдаги мана шу Чароғон кўчасида яшаганман, чордевор кулбалар, қишда — лой, ёзда — чанг, ўйдим-чуқур кўчалар ҳамон ёдимда,* — деб ҳикоя қилади навоиийлик алоқа ходими Усмон Жумаев. — *Яқинда ўша жойларга бориб, ишонсангиз, танимай қолдим. Пастқам кулбалар ўрнида шарқона Бектемир бозори қурилибди. Айниқса, менга Олой бозори ёқди, фавворалар, шарқона услубдаги дўконлар...*

Дарҳақиқат, 1991-92 йиллар давомида шаҳардаги асосий бозорлар қайта қурилди ёки кенгайтирилди ва таъмирланди. 1995 йили Сирғали-6 мавзесида янги бозор қуриб, ишга туширилди. Кейинги йилларда эса Паркент, Янгиобод, Юнусобод, Ширин, Аҳмад Дониш, Ибн Сино, Кўкча бозорлари янгидан барпо этилди.

Олой, Эски Жўва, Бешёғоч, Миробод, Юнусобод, Фарҳод бозорлари бетакрор меъморий жозибаси, мавжуд қулайликлари, тўкин-сочинлиги билан ҳатто хорижий меҳмонларнинг ҳам ҳавасини келтиради.

Жажжи фарзандларимизнинг севимли масканига айланган «Диснейленд», «Аквапарк», ҳайвонот боғи, шунингдек, шаҳримизда барпо этилган сунъий кўллар, фавворалар ва истироҳат боғлари уларнинг табиат билан ошно бўлишига хизмат қилмоқда. Шу ўринда биргина Боғи Эрамни хаёлан кўздан кечирайлик. Уни қайта таъмирлашда Салор каналининг табиий ўзанидан жуда ўринли фойдаланилди. Ҳозир бу канал истироҳат боғини оралаб ўтади, шу билан бирга, боғнинг юқори қисмида қайроқтош терилган ариқлар, шаршара ва тўртта фаввора, қуйи қисмида эса сунъий кўл барпо этилди. Болалар шаҳарчасида ҳам сунъий ҳавза мавжуд. Улар Боғи Эрамга зеб бериб қолмай, иқлимни ҳам мўътадиллаштириб туради.

Шаҳрисабз кўчасидаги янги турар жой биноси

Турфа хил аттракционлар, кўргазма ва томоша майдончалари, шунингдек, чойхона, музқаймоқхона, футбол майдони ва теннис кортлари доимо болалар хизматида.

Агар, шу кунларда йўлингиз тушиб, Боғи Эрам яқинидан ўтадиган бўлсангиз, жийда гулининг муаттар ҳиди бахри-дилингизни очиб юборади. Эман, ясен, каштан, оқ қайин, арча ва липа, писардия олхўриси, сариқ тол, қийғос очилган турфа хил гуллар қаторида Япония элчихонаси тақдим этган сакура дарахтлари, ҳосилга кирган ўзимизнинг ўрик ва шотутлар боққа файз бағишлаб турибди.

Бундан ҳам серфайз Бобур боғи ҳақида янада завқ-шавқ билан узоқ гапириш мумкин.

Ҳар қайси истироҳат боғига кираверишда замонавий муаззам дарвоза, гулзор ва фавворалар барпо этилган.

Кейинги йилларда худди мана шундай яна 6 та янги боғ барпо этилди, шаҳарнинг умумий яшил ҳудуди яна 150 гектарга кенгайди. Фақат 2003 йилнинг ўзида шаҳримизда 2 миллион тупдан зиёд эрта баҳордан кеч кузгача очилиб турадиган турфа хил анвойи гуллар экилдики, улар кўчаларга алоҳида фусун бағишламоқда. Шунингдек, ҳар бир меҳмонхона боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалигида ўстирилган хонаки гуллар билан безатилмоқда.



Пойтахт кўчалари

Пойтахтимизнинг тобора чирой очишида кўкаламзорларининг бетакрорлиги, меъморий-манзаравий безатилиши — ландшафт дизайнерлиги алоҳида ўрин тутади. Хиёбонлар, истироҳат боғлари, марказий кўчаларни кўкаламзорлаштиришда манзаравий безаш санъатининг энг кўркам намуналари амалга татбиқ этилмоқда.

—*Агар мендан «Мустақиллик бизга нима берди?» — деб сўрашса, аввало шаҳримиздаги беқиёс ўзгаришларни кўрсатган бўлар эдим,* — дейди тиббиёт фанлари доктори Жуманазар Бекназаров. — *Ўтган давр ичида пойтахтимиз Шарқ кўркига айланди, йирик халқаро сиёсий ва иқтисодий марказ сифатида дунёга танилди.*

— *Мен умр бўйи «Главташкентстрой» да ишладим, шу ердан нафақага чиқдим,* — дейди чилонзорлик оқсоқол Халил Холов. — *Баъзан кенг ва баҳаво кўчаларни айланиб юриб, бири биридан чиройли иншоотларни кўрганда, ўйлаб қоламан: «Биз ҳам юрган эканмиз-да, шаҳар қуряпмиз, деб». Ўша йиллар ҳаммаёқни бетон рангига «бўяб» ташланганимиз мана энди сезиляпти. Ҳозир пойтахтимиз ўн саккиз кунлик тўлин ойдек очилиб кетди. Бунда кўпчиликнинг ҳиссаси бор, албатта, лекин унинг асосий меъмори Ислом Каримов деб биламан. Нимага десангиз, эсимни таниганимдан буён республиканинг бирон-бир раҳбари пойтахт учун бунчалик жон куйдирганини, ўзи ҳар бир иншоотнинг лойиҳасини кўриб, маслаҳат бериб, ўзи жой танлаб, бориб қурилишнинг тепасида турганини, ҳал қилувчи ғоя ва амалий фикрлар берганини билмайман.*

Куни кечагидек ёдимда. Беш-олти йил аввал Президентимиз келиб, Миллий банк биноси қурилишини кўздан кечирди, сўнг зал ва хоналар ёруғ, баҳаво бўлишини таъминлаш, фойедаги фавворалларга миллий тус бериш лозимлигини уқтирди. Мен қурувчи сифатида бундай қимматли фикрларни жуда қадрлайман. Чунки иш давомида мана шу камчиликни тузатиб кетасиз, иншоот бекаму кўст бўлади. Шу маънода, шаҳримиздаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир иншоот, ҳар бир зиёратгоҳ замирида Президентимизнинг ақл-тафаккури, меҳр-муҳаббати ва меҳнати мужассам, десак, хато бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай иш ўша заҳоти ўз самарасини бермайди. Ҳатто ниҳол ҳам ҳосилга кириши учун уни йиллар мобайнида сабр-тоқат билан парвариш қилиш талаб этилади. Ўша оғир ва машаққатли тўқсонинчи йилларда узоқни кўзлаб чидам ва матонат билан бошланган кенг кўламли улуғвор ишлар бугун кўз олдимизда — ҳеч ким рад эта олмайдиган тарзда, ўз салобати, бўй-басти ва маҳобати билан тўла намоён бўлаётир. Давлатимиз раҳбари таъкидлагани каби, **«Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди...»**

Ғаффор ҲОТАМОВ

ҚАШҚАДАРЁДАН ҚЎШ ХАБАР

Тадбиркорнинг ҳиммати

Яккабоғ туманида ажойиб тадбиркорлар бор. Бири йирик корхона қураётган бўлса, иккинчиси деҳқончиликда ўзини кўрсатаяпти. Очиғи, туман марказидаги энг кўркам биноларда ҳам уларнинг қўл излари бор. Шулардан бири — Нурмуҳамат Тўраев китоб дўкони қуришга ахд қилди.

Туман ҳокими Панжи Чориев унинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Яккабоғ шаҳрининг Янгиобод маҳалласи ҳудудидан алоҳида ер ажратилди. Меъморлар икки қаватли бинонинг ўзига хос лойиҳасини тайёрлаб беришди. Айни кунларда тадбиркор қурилишни бошлаб юборди. Китоб — маънавият чашмаси. Бу йўлда сарфланган маблағ тошса тошадики, қуримайди. Тадбиркор китобларни нашриётлар билан шартнома асосида олиб келишни кўнглига тугиб қўйибди.

Аввал саломатлик...

Китоб туманидаги К.Рустамова номли ширкат раиси Абдували Ваҳобов каттароқ юмушни бошласа, «саломатлик бўлса, эплаймиз», дейишни хуш кўради. Иқтисоди боғдорчилик ва узум етиштиришдан юксалаётган хўжалик ўтган йили 100 миллион сўмдан зиёд соф фойда олди. Заҳмат эвазига топилаётган маблағдан мактаб ва шифохоналар учун ҳам тегишли улуш ажратилмоқда. Яқинда хўжаликнинг «Хайробод» қишлоғида янги тиббиёт пункти ишга туширилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган шифо маскани учун хўжалик 10 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфлади.

— Ҳар бир сўмнинг ўз ўрни бор, албатта, — дейди туман шифохонаси бош врачи Барака Абдуллаев. — Бироқ одамларнинг саломатлиги энг катта давлатдир. Хўжалик раҳбарияти бу хайрли ишга катта эътибор бераяпти. Шу пайтгача ўз маблағлари эвазига 4 та қишлоқда тиббиёт пунктларини ишга туширишди. Эски бинолар таъмирланиб, янги жиҳозлар келтирилди. Айни пайтда туманда 13 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаяпти.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Саховатпешалар бор бўлсин

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Пешку туманида яна бир савобли ишга қўл урилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши, туман ҳокимлиги, прокуратура ҳамда шу тумандан Олий Мажлис депутати этиб сайланган Бухоро аэропорти директори Тоҳир Баҳронов ҳомийлигида кам таъминланган кўп болали оилаларнинг 20 нафар ўғлига суннат тўйи ўтказилди. «Маданият» ширкат хўжалигининг сўлим боғида ўтган бу тадбирда тўй болаларга бир сидра саруполар кийдирилиб, уларнинг ҳар бири номига 10 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

— Саховтпешаларнинг бундай савобли ишларидан бошимиз кўкка етди, — дейди қалаймиришкорлик онахон — икки болани тарбиясига олган Фазила Қодирова. — Ўғилларим — Алпомиш ва Кунтуғмишларнинг севинчини айтмайсизми? Улар бу тўйда бир ҳақиқатни — ёлғиз эмасликларини англагани аниқ.

Тўкин дастурхон атрофида музқаймоқ еб, «Ўзбекрақс»нинг Бухоро бўлими жамоаси томонидан берилган катта концертдан мириққан болалар бу тўйдан олам-олам завқ олдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маданий-маърифий тадбирлар

• **ХДП Бекобод шаҳар кенгаши** «Ал-Хоразмий» маҳалласида Олий Мажлиснинг XI сессияси якунлари бўйича мулоқот ўтказди. Унда икки палатали парламент тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз бориб, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар.

Шунингдек, шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан ўсмирлар ўртасида ўтказилган «Маҳалламиз келажаги» кўрик-танлови ҳам муваффақиятли якунланди. Унинг ғолиблари шаҳар партия кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

• **Шофиркон туман партия кенгаши** ташаббуси билан Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида «Мангу порлар қадр шуъласи» мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Партия фаоллари ҳамда фахрийлар «бир пиёла чой устида» жанглардан қайтмаган дўсту биродарларни ёд олиб, ҳаёт, ёшлар ва келажак тўғрисида суҳбат қуришди.

• **Наманган шаҳар** ҳокимлиги, ХДП шаҳар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ва Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими ҳамкорлигида «Болалигим баҳори — 2003» кичик саҳна асарлари кўрик-танлови ўтказилди. Танловда намойиш этилган асарларда гиёҳвандлик, жиноятчилик каби иллатлар қораланиб, маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий таъсир чоралари, тўй-ҳашамлар ва ободончилик ишлари каби мавзулар очиб берилди. Тадбир сўнггида ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

• **Данғара туманидаги** «Катта Арован» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан фаол партиядошимиз, ХДП фахрийси, марҳума Олия Иброҳимованинг хотира кечаси ўтказилди. Кечада марҳуманинг тенгдошлари, ҳамкасблари ва фарзандлари унинг босиб ўтган ибратли ҳаёти ва меҳнат фаолиятини ёдга олдилар.

Партия ташкилотларида

• **Ўзбекистон ХДП Ангрен, Янгийўл шаҳар, Тошкент, Шофиркон ва Янгийўл туман партия кенгашлари**нинг пленумларида партия ташкилотлари ишини фаоллаштириш, уларнинг аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишдаги иштироки масалалари муҳокама қилинди. Шофиркон туман партия кенгаши пленумида Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раиси С.Носировнинг мазкур гуруҳ фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди.

• **ХДП Оққўрғон туман кенгаши**да ўтказилган тадбирда Тошкент вилоят партия кенгаши котиби Н.Тоиров «Ўзбекистон парламентининг икки палатали тизимга ўтиши — замон талаби» мавзуида маъруза қилди.

• **Шаҳрисабз туман партия кенгаши**да ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокидаги семинар-кенгаш МК пленумида БПТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда уларнинг жойларда ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди. Йиғилишда туман партия кенгаши биринчи котиби М. Остонов ҳамда қатор БПТ етакчилари сўзга чиқиб, мавжуд партия ташкилотлари ишини танқидий нуқтаи назар билан атрофлича муҳокама қилдилар.

● ХДП ХАБАРИ

Ташаббускорлик ва фаоллик оширилгач...

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгашининг навбатдаги пленумида жойларда партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш масаласи кўриб чиқилди.

Пленумда мазкур партия кенгашининг биринчи котиби Рашид Муртазоев маъруза қилиб, шаҳар партия ташкилотининг фаолиятини таҳлил этди.

Йиғилишда, жорий йилнинг март ойида ўтказилган партиянинг V пленуми хайрихоҳлик ўзанидаги танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтганлиги, пленум бошланғич партия ташкилотларини бугунги куннинг устувор вазифалари билан қуроллантирганлиги ва уларнинг ўз қарашларини фаол равишда ифода этишга ундаганлиги таъкидланди. Шу боис, мазкур пленум қарорларини тезда ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, партия аъзоларига етказиш, ушбу масалаларга бағишланган партия йиғилишларида ХДП бошланғич ташкилотининг ўтган йилги фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, маҳаллий далил ва мисоллардан фойдаланган ҳолда, ташкилотнинг Марказий Кенгаш V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини асослаб бериш кераклиги тўғрисидаги фикрлар маъқулланди. Мажлис аҳлининг муҳокамаларда фаол иштирокини таъминлаш учун уларни Марказий Кенгаш бешинчи пленуми ҳужжатлари билан яна бир марта таништиришларини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Музокараларда «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими кенгаши раиси Фурқат Раҳмонов, «Рогузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайбулла Отабоев, вилоят тиббиёт ходимлари касаба қўмитаси раиси Саодат Рустамова, «Қашқадарёпочтаси» АЖ Қарши шаҳар филиали бошлиғи Расул Мавлонов, «Матбуотчи» АЖ вилоят бўлими раиси Тиркаш Очилов, ва бошқалар иштирок этдилар.

Шунингдек, пленумда Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутат Салоҳиддин Ҳикматовнинг «Обод маҳалла йили»да олиб бораётган ишлари тўғрисида ахбороти ҳам тингланди.

Партия фаоллари иштирокида, йиғилишда 2003 йилга партиянинг марказий нашрлари обунасига якун ясалди. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обунани уюшқоқлик билан ташкил этган партия ташкилотлари турли хил мукофотлар билан тақдирландилар.

Пленум ишида Қарши шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати Илҳом Асадов иштирок этди ва келгуси вазифалар тўғрисида гапирди.

Музаффар ТУРОБОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши маслаҳатчиси.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш, яхши тайёрланган ихчам ва замонавий армияни шакллантириш замон талаби.

Бу йилги баҳорги чақирув аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонунга биноан илк чақирув бошланди. Энди соғлом, ҳар томонлама етук, айтиш жоиз бўлса танловдан ўтган йигитларгина муддатли ҳарбий хизматга олинади. Бу — миллий армиямизда бошланган ислоҳотларнинг бир жиҳати.

Ҳақиқий аскарлик эса ҳарбий қасамёддан бошланади. Яқинда Чирчиқ шаҳрида Тошкент ҳарбий қисмларига келиб қўшилган ёш аскарларнинг ҳарбий тантанали равишда қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Юрт посбонлари ота-оналари, қариндош-уруғлари олдида, Ватан, халқ, Президентга ҳамиша содиқ бўлишлари ҳақида онт ичдилар. Ишончимиз комил улар Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишади.

— Биз ўғлимиз Бекзоднинг олдига Жизззахдан келдик, — дейди Шарофат Йўлдошева. — Бугун унинг ҳарбий қасамёд қабул қилишини ҳаяжон билан кузатдик. Энди Бекзод чин аскар. Катта орзу-умидлар билан тарбиялаган фарзандингни аскарлик либосида кўриш катта бахт.

Ҳа, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, халқимиз армия сафларида хизмат қилаётган ўз фарзандларига ҳамиша ғурур ва ифтихор билан қарайди. Ўз армиясига, Ўзбекистон Қуролли Кучларига ишонади.

✧✧✧

Суратларда: *ҳарбий қасамёд тантаналаридан лавҳалар; ҳарбий қасамёд қабул қилган Бекзод Мингбоевни онаси Шарофат Йўлдошева табрикламоқда.*

А.МРУЧАК олган суратлар



Қатағон қурбонлари

Ироқнинг Нажаф шаҳридан тахминан 80 километр узоқликда жойлашган ал-Шинафия қишлоғидан анча наридаги саҳрода 80-йиллар охирларида қатағон қилинганлар оммавий кўмилган қабристон топилди, дея хабар беради Британиянинг Times газетаси. Уни қишлоқда яшовчи чўпон Хади Хадум кўрсатди.

Маълум бўлишича, бу чўпон қатағонга гувоҳ бўлган. Яъни унинг сўзларига қараганда, 1988 йил июлда Ироқ ҳарбийлари бу саҳрода узундан-узун ўра кавлашади. Эртаси куни деразалари қорайтирилган 25 та автобусда курдлар олиб келинади ва ўра оғзига ҳаммасини териб қўйиб, отиб ташланади-да, сўнг ўрага кўмилади.

Дарвоқе, ўтган ҳафтада ҳам Ироқда бир неча шундай оммавий қабристон топилган. Жумладан, Бағдоддан 80 километр узоқликдаги Хилла шаҳри яқинида 4 мингдан ортиқ одам жасадининг қолдиқлари топилган. Шунингдек, Басра ва Карбала атрофида ҳам биродарлик қабристонлари борлиги аниқланган.

Вақтинча ёпилди

Арабистоннинг «Ал-Бавваба» электрон газетаси хабар беришича, АҚШнинг Саудия Арабистонидаги барча дипломатик корпуслари содир этилиши мумкин бўлган террорчилик актларидан эҳтиётланиш мақсадида вақтинчалик ёпилди.

АҚШнинг Ар-Риёддаги элчихонаси баёнотида айтилишича, дипломатик ваколатхоналар 25 майгача ёпиқ бўлади.

Манбаларда қайд этилишича, душанба куни АҚШнинг Дахрандаги бош консулхонаси ҳудудига кирмоқчи бўлган қуролли одам қўриқлаш хизмати томонидан қўлга олинган.

Бир йилга узайтирилди

БМТ Шарқий Тимордаги ўзининг тинчлик кучлари ваколат муддатини яна бир йилга узайтирди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинган янги резолюцияга кўра, тинчлик контингентининг ваколат муддати 2004 йил майда тугайди. Контингент таркибида 3800 нафар ҳарбий бор.

Маълумки, Шарқий Тимор мустақилликни қўлга киритгач, уч йил БМТ бошқарувида бўлди. Эслатиб ўтамиз: Португалия мустамлакачилиги барҳам топгач, Шарқий Тиморни Индонезия ўзига қарам қилиб олган эди, дейилади Reuters ахборотида.

● ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Учта судни «кўрган» далолатнома

ёки янгиободлик фермернинг икки йилдан буён ушбу ҳужжатни ололмай оворaю сарсон бўлганлиги хусусида

Жиззах вилоятида 10018 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Шундан 221 таси Янгиобод тумани ҳудудида фаолият юритмоқда. Бу вилоят бўйича мавжуд фермер хўжаликларининг 2 фоиздан сал ошиқроғини ташкил этади, холос. Ушбу кўрсаткич вилоятнинг бошқа туманларига солиштирилганида ҳам жуда кам. Хўш, бунинг сабаби нимада?

«Орзу» фермер хўжалиги 2001 йилнинг февраль ойида ташкил этилди. Ҳоким қарорига кўра, «Ховос» ширкатлар уюшмаси ҳудудидан 30 гектар лалми ер майдони 50 йил муддатга ижарага бериладиган бўлди.

Ҳадемай, экин экиш вақти ҳам келди. Ҳамма ҳужжатлар тахт, фақат ширкат раҳбаридан ер майдони ҳақидаги далолатнома олса бас. Аммо бу зормандани қўлга киритиш осон эмас экан. Бу борада у аввало «Ворқин» ширкати раиси Муродали Ҳасановга мурожаат этди. Ширкат раиси эртага келинг, деди. Эртасига индин деди, хуллас, сарсонгарчилик бошланди. Бир парча қоғозни олиш шу қадар қийин бўлдики, охир-оқибат фермер Бегимқул Турдиқуловнинг сабр-тоқати тугади ва прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бу далолатнома нимага керак, нега ширкат раиси унга бу қадар ёпишиб олди ёки фермер шу қоғозсиз ҳам далага экин экиб юборавермайдими, дейишингиз мумкин. Афсуски, ушбу ҳужжатсиз деҳқон экин эколмайди-да. Мабодо экса, эртага боши балога қолиши мумкин.

Прокурор ушбу иш бўйича даъво аризаси киритди. 2001 йил 18 июнида жиноят ишлари бўйича Янгиобод тумани суди «Маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида» қарор чиқарди: Ҳуқуқбузар М. Ҳасанов қилган ишидан пушаймонлиги ва енгиллик беришликни сўраб ёзган кўргазмасига биноан суд унга Ўз.Р МЖКнинг 200-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида фермер фойдасига жарима ундирилади. Хуллас, М.Ҳасанов ҳаракатсизлиги учун жазосини олди, лекин...

Шундан сўнг раиснинг кўзи очилди, дерсиз. Афсуски, йўқ. Ширкат раиси суднинг ушбу қароридан ҳам тегишли хулоса чиқармади. Ер майдони тўғрисидаги далолатномани беришни пайсалга солаверди. Чорасиз қолган фермер йил охирида, яъни декабрга келиб энди вилоят адлия бошқармасига ширкат раиси ҳамон тўсқинлик қилиб келаётганлигини, ундан зарур далолатномани ололмаётганлигини, оқибатда ўтган деҳқончилик йилида ердан фойдалана олмаганлиги хусусида мурожаат этди.

Адлия бошқармаси Зарбдор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига жавобгарлар — «Ховос» ширкатлар уюшмасидан ва «Ворқин» ширкати раиси М.Ҳасановлардан 1800268 сўм (бой берилган) зарарни, 138500 сўм моддий, 200000 сўм маънавий зарарни ундириш учун даъво аризаси киритди.

2002 йил 8 апрелда суд бу даъвони рад этди. Қизиғи шуки, суд қарорига кўра, фермерга ҳеч ким тўсқинлик қилмаган эмиш. Унда нега М.Ҳасанов маъмурий жавобгарликка тортилган эди, деган саволга жавоб берадиган мард йўқ.

Энди бундан ҳам қизиғини эшитинг: судьянинг эътирофича, ҳатто, фермер май ойида 10 гектарга буғдой, 7 гектарга арпа, 2 гектарга масхар эккан эмиш. Воажаб, қурғоқчилик йилини-ку кўя турайлик, ҳатто серсув йилда ҳам май ойида деҳқон ерга буғдой экмайди-ку! 2001 йили ҳамма жойда қурғоқчилик бўлди. Худди ёз бошланиши олдидан буғдой экиб бўлмаслигини, яна қурғоқчиликда денг, деҳқон бўлмаган киши ҳам яхши билади.

Адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга киритган даъво аризасида собит турди. Зарбдор туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарори юзасидан апелляция шикоятини киритди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди даъвогарнинг моддий ва маънавий зарарини ундириш ҳақидаги даъвосини қисман қаноатлантирди. Яъни, жавобгар Ҳасанов Муродалидан даъвогар Турдиқулов Бердиқулга 50 минг сўм маънавий зарар ундириш белгиланди, даъвонинг қолган қисми рад этилди.

— Бироз бўлса-да, вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди ҳақиқат қилди, — дейди Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Х. Ибрагимов. — Бироқ, суд ди: «Орзу» фермер хўжалиги раҳбарининг туман ҳокимлиги ва «Ховос» ширкатлар уюшмаси 2001 йил учун экин экишга тўсқинлик қилди, деган важи 07.05.2001 йилда тузилган далолатнома билан рад этилади. Ушбу далолатномада «Орзу» фермер хўжалиги ижарага олган 30 гектар ердан фойдаланиб келганлиги аниқланган, фермер хўжалигининг раҳбари бу ҳолатни тасдиқлаб имзо чеккан».

Жиноят ишлари бўйича Янгиобод тумани суди томонидан М.Ҳасанов айнан 2001 йилда далолатномани бермагани учун маъмурий жавобгарликка тортилганлигини айтиб ўтдик. Нега фуқаролик суди билан жиноят ишлари бўйича суднинг фикри икки жойдан чиқаяпти?

Шундан сўнг «Ворқин» ширкати раисига учрашмоқчи бўлдик. Афсуски, раис топилмади. Бироқ, ширкатлар уюшмаси раиси Сулаймонқул Хидиров идорада экан. «Б.Турдиқуловга Ер далолатномасини ўз вақтида бериш шунчалик мушкулмиди? Икки йилдан ошиқ вақт давомида у мурожаат этмаган идора қолмабди-ку?», деган савол билан мурожаат этдик унга.

— Фермер Бердиқул Турдиқулов меҳнаткаш инсон. Болаларини ҳам шунга ўргатган, — дейди уюшма раиси С.Хидиров. — Муҳими, у ўз трактори ва юк автомобилига эга. Афсуски, фермернинг хўжалик томонидан бериладиган бир ҳужжат учун шунча оворaю сарсон юрганлигидан хабарим бўлмабди...

Тушунмадик. Одатда хўжалик раҳбарлари икки деҳқон шивир-шивирини ҳам эшитишади. Наҳотки бу киши (хўжалик ҳудудида, қолаверса, уюшма билан боғлиқ) шунча машмашалардан хабарсиз бўлса?.. У кишининг бехабарлигини қандай оқламоқ мумкин?

Биз ширкатлар уюшмаси раиси билан бўлган қисқача суҳбатдан сўнг шундай хулосага келдик: ҳар бир киши — у раҳбар бўладими, судьями, оддий фуқаро — виждон олдида ҳисоб беришдан кўра юксакроқ жавобгарлик йўқ. Чунки, виждон ҳакамлик қилган жойда шу нарса аниқки, гап-сўз «кўча»га чиқмайди.

Ана шундай муҳит бор жойда «хўш, мен билдирилган ишончни оқлаш учун муносиб ишлаяпманми, нонимни ҳалоллаб еяпманми, бола чақамни пешона тери эвазига топилган неъмат билан боқяпманми?», — дея ўз-ўзига ҳисоб берарди ҳар бир инсон, ҳар бир раҳбар.

Нима бўлгандаям, мамлакатимизда бошланган ислоҳотларни амалга ошириш йўлида элим деб, юртим деб ишлайман деган Бердиқул Турдиқулов сингари фермерларнинг қўллаб-қувватланиши фойдадан холи эмас. Уларга кўп нарса керак эмас, озгина меҳр, озгина эътибор ва яна ширингина сўз керак, холос.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фарзандларимиз баркамол бўлсин деб

Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2003» республика спорт мусобақалари якунланди

Кўҳна Хоразм воҳаси бир ҳафта мобайнида қалбида навқиронлик шижоатини жамлаган, билаги кучга тўла, зеҳни ўткир ўғил-қизларнинг ажойиб спорт мусобақаларига мезбонлик қилди. Бу ерда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган 2600 нафардан зиёд эпчил ва кучли ёшлар спортнинг 12 тури бўйича 76 комплект медаллар шодаси учун кураш олиб бордилар. Воҳанинг ўн еттита спорт мажмуида ўтказилган қизғин баҳслар мактаб ўқувчилари учун муҳим синов вазифасини ўтади. Ёшларнинг ҳар бир спорт учрашуви юксак савияда уюштирилди. Бу спорт ўйинлари Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли тизимининг дастлабки муҳим бўғини, баркамол авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг равшан ифодасидир.

20 май куни «Хоразм» марказий спорт мажмуида «Умид ниҳоллари — 2003» мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Соат 19.30. Йигирма мингдан ортиқ томошабинни бағрига сиғдирган ўйингоҳда шукуҳ, шодонлик ҳукмрон. Карнай-сурнай садолари остида ўйингоҳга «Умид ниҳоллари — 2003» мусобақалари қатнашчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ёш спортчилари кириб келадилар...

Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри ёш спортчиларига мукофотларни Хоразм вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Бобожонов ҳамда халқ таълими вазири Рисбой Жўраев топширди. Ғолиб жамоа Президентимиз Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари — 2003» ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табрикнинг асл нусхаси, I даражали диплом ҳамда «Матиз» автомобили билан тақдирланди.

Хоразм вилояти жамоасига II даражали диплом ва «Дамас» автомобили топширилди. Мукофотларни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов ҳамда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Раҳимбой Йўлдошев топширдилар.

Ўтган йилги мусобақаларнинг кумуш медали соҳиби Фарғона вилояти терма жамоаси бултурги ютуқлари тасодиф эмаслигини исботладилар ва учинчи ўринни эгаллашди. Уларга III даражали диплом ва компьютерлар жамланмасини республика Миллий Олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров ҳамда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Баҳодир Исмоиловлар топширди.

Шунингдек, мусобақаларнинг бир қатор иқтидорли қатнашчилари ҳам турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди. Хоразм вилояти футбол жамоаси ўйинчиси Мансур Авезов «Умид ниҳоллари — 2003»нинг «Футбол юлдузи», Наманган вилоятининг волейбол бўйича қизлар терма жамоаси «Ғалабага бўлган иродаси учун», хоразмлик гимнастикачи Наргиза Пирниёзова «Нафосат маликаси», Навоий вилоятидан сузувчи Антон Тишченко «Энг кўп медаллар соҳиби», фарғоналик белбоғли курашчи Улуғбек Эркабоев «Шижоат ва интилиш самараси» номинациялари бўйича мукофотландилар.

Ранг-баранг чироқ нурлари Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари байроғини ёритади. Мусобақа машъаласи ҳам аста-секин сўнади.

Чироқ нурлари «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари байроғини кўтариб келаётган мусобақа мезбонлари томон қаратилади. Нуфузли мусобақа байроғини Хоразм спортчиларидан Тошкент вилояти вакиллари қабул қилиб олишади.

Дилрабо ва ўйноқи куй-наволар остида алоҳида ажралиб турган вилоятлар жамоалари вакиллари бутун ўйингоҳ узра яхлит жамоа бўлиб жипслашадилар. Байрам йиғилганлар жўрлигида Юлдуз Усмонова ижросидаги «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи билан якунланди. Сўнгра беғубор осмон узра мушакбозлик авжига чиқди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов қатнашди.

Рўзимбой ҲАСАН,
Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратларда: мусобақанинг ёпилиш маросимидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

● ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Давлатларга тинчлик, миллатларга дўстлик

Наманганнинг Косонсой, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон, Янгиқўрғон туманлари Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Бу туманларда кўплаб қирғиз миллатига мансуб кишилар истиқомат қиладилар. Шуниси диққатга сазоворки, қирғиз биродарларимиз ўзбеклар билан тарихан жондош, қондош, ҳамфикр, ҳаммаслак. Бу яқинда вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Қирғиз маданий маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорликда Янгиқўрғон туманининг Поромон қишлоғида ўтказган тадбирда ҳам яққол кўзга ташланди.

Қишлоқда мавжуд 5000 аҳолининг мингдан зиёдини қирғизлар ташкил этади. Уларнинг фарзандлари қирғиз мактабида таълим оладилар. Ҳатто 48-сонли ўзбек мактабига қирғиз фарзанди Шовдон Чиналиев номи берилган.

«Обод маҳалла йили» давлат дастурига мувофиқ ўтказилган тадбир «Давлатларга тинчлик, миллатларга дўстлик» деб номланди. Ўнғор тоғи этагидаги Нов деб аталган қишлоқда ўтказилган мулоқотда икки миллат дўстлиги ҳақида каломлар жаранглади.

Вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби, шоир З.Мансуров, Қирғиз маданий маркази директори М.Истамқулова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси О.Нуриддинов, НамДУ доценти Б.Исҳоқов, Ўзбекистон халқ артисти К.Раҳимовларнинг тарихий ҳамжиҳатликлари тараққиёт босқичидаги роли хусусида билдирган фикрлари ҳамда вилоят ижодкорлари ва таниқли санъаткорларнинг чиқишларида икки халқ мумтоз мероси наволанди.

Тадбир қишлоқда яшаб, ижод этган икки миллат аҳиллигини мустаҳкамлашда ўзига хос саъй қилган шоир ва мураббий Робиддин Исҳоқов уй-музейида «Ададий дўстлик — абадий дўстлик» мавзуидаги шоирлар мушоираси билан якунланди.

Худди шундай мулоқотлар бошқа туман қишлоқларида ҳам ўтказилмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1999 йил 30 июнда Эльвира Наильевна Мусаева номига берилган В №016900 487/99 рақамли роман-герман филологияси (инглиз тили) бакалаври дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

● ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Меҳр мезони

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кардио-церебрал хасталиклар лабораторияси мудири, профессор Озод Хўжаев илмий фаолияти ҳақида

Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдир ҳаётнинг боши.
Одамларга бахш этади жон
Одамларнинг меҳр қуёши.

Инсоният яралгандан бошлаб ўзига суянч бўладиган тамойилларни, одамийлик мезонларини улуғлаб келади. Бунинг замирида меҳр-оқибат тушунчаларини келажак авлод шуурига сингдиришдек масъулият ётади. Шоир ҳақли равишда таъкидлаганидек, ҳаёт инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатидан бошланади.

Умр йўллари ҳамиша ёруғ манзиллардан иборат эмас. Инсон баъзан кимнингдир ёрдамига, ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўзига муҳтож бўлади. Руҳиятида тушкунлик, жисмида оғриқ пайдо бўлган, кутилмаган кулфатдан қадди букилган одам эътиборга, таянчга илҳақ бўлади. Айнан шу дақиқаларда унга елкасини тутган яхши одамлар бир умрга улар ёдида қолади. Шундан бўлса керак, Озод Хўжаев ёшлигидан шифокорлик касбини танлади. У бутун ҳаётини, умрини мана шу машаққатли касбга бахшида этиш учун изланди, меҳнат қилди. Унинг болалиги оғир йилларга тўғри келди. Аввал Урганчдаги ўрта мактабда таълим олди. Сўнг орзулари, мақсадларини рўёбга чиқариш учун Тошкент тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Ўшандан бошлаб ҳаётининг 36 йилини шу касб билан боғлади. Дастлаб Тошкент давлат тиббиёт институти клиникасида шифокор, бўлим мудири, аспирант, ассистент бўлиб фаолият кўрсатди. Тақдир уни улуғ инсонларга яқинлаштирди. Ўзбекистонда асаб касалликлари бўйича йирик мутахассис, академик Наби Мажидов мактабида камолга етди. Устозлик мартабасига эришди. Улкан мактабнинг мамлакатимизда, халқаро миқёсда шуҳрати ортишига ҳиссасини қўшди. Озод Хўжаев Тошкент давлат тиббиёт институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кардиология илмий-текшириш институтларида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. У қаерда бўлмасин эзгулик, адолат барқарор бўлиши учун ҳаракат қилди.

Озод Хўжаев тиббиётнинг неврология ва кардиология йўналиши бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилда кардио-неврология бўйича Ўзбекистонда биринчи профессорлик илмий даражасини қўлга киритди. У шу йиллар ичида ўнга яқин фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди. Улар бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими турли бўғинларида меҳнат қилмоқдалар. Унинг 200 га яқин илмий иши нашр этилди.

Олим кардио-неврология бўйича республикадаги йирик мутахассисга айланди. У яратган янгиликлар нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб хорижий давлатларда ҳам эътироф этила бошланди. Олим кардиология соҳасидаги етук мутахассислар: академик И. Шхвацабая, В.Гасилин, профессорлар Н. Мазур, В.Смирнов, О. Медведев, В. Сакслар билан илмий мулоқотларда бўлди. Жаҳон тиббиётида кардиология соҳасидаги ютуқлар, муаммолар ҳамиша олимнинг эътибор марказида. У 1994 йилда ички касалликлар бўйича Марказий Осиё давлатлари I Конгресси ва 1997 йилда кардиологларнинг III анжумани Тошкентда ўтказилишида жонбозлик кўрсатди.

О. Хўжаев тиббиётнинг икки соҳаси — неврология ва кардиологияни мукаммал эгаллади. Инсон юраги ва миясида кечаётган жараёнлар олим илмий-тадқиқотининг бош мавзусига айланди.

Бугун профессор ўзи босиб ўтган йўлларга тикилар экан, ортда қолган излар юрагига ором бахш этади. Шогирдлар камоли, оила бағри, севимли лабораторияси унинг қалбида илҳом уйғотади. Қўлига қалам олиб, салкам ярим асрлик умри ўтаётган Тошкентнинг фарахбахш тонгида, оқ қоғоз юзига шундай сатрларни битади:

Дўстларим ҳамма вақт елкадош
бўлайлик,
Умр йўлларида йўлдош
бўлайлик.
Бошга кулфат тушса
дарддош бўлайлик,
Эзгулик йўлида бир бош
бўлайлик.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

Дўст ачитиб гапирар, душман — кулдириб

Чин дўстдан фақат фойда тегади, у кишига ёмонлик соғинмайди, зиён-заҳмат етказмайди. Агар у қаттиқ-қурум гапирса ҳам, бундан хафа бўлмаслик керак. Чунки, у кишини нотўғри йўлдан қайтармоқ мақсадидагина, қуюнганидангина шундай қилади, дейилмоқчи. Вар.: «Дўст йиғлатар, душман кулдирар»; «Шакарли тилга ишонма»; «Дўст жабридан ингранма, Душман бедодидан гунгранма» (гунгранмоқ — жаҳл чиққанда ўз-ўзидан ғудунглаб гапирмоқ); «Дўст отган тош бош ёрмас» (тош — бу ерда «каттиқ айтилган сўз» маъносида); «Аччиқ сўз — аччиқ доридай дармон»; «Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама».

Душманлик ўқини дўстлик камони билан от

«Душманни пахта билан бўғизла»; «Душманни шакар билан ўлдир». Булар билан: «Душманингни ошкора душмани бўлиб эмас, дўсти бўлиб, ширин ва юмшоқ муомала қилиб туриб, янчиб ташла», дейилмоқчи. Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда. «Томчи сув бўлмас, Душман эл бўлмас»; «Сув тўхтар, Душман тўхтамас»; «Арслонни арслондай йигит олади»; «Тирноғи бўлмаса, йўлбарс ҳам ожиз»; «Шерни шер қилган — тиши билан тирноғи»; «Ўқсиз жангчи — қиличсиз қин»; «Ботир милтиқсиз бўлмас, Балиқ — қилтиқсиз»; «Уруш қўён ови эмас»; «Душманинг гар мор эса сен бўлмагил андишасиз, Гарчи оташ зарра олам куйса сўзондир анга» (Ҳамза).

Дўланани кўрганда тоғ эсингдан чиқмасин

Тоққа чиқиб, дўлана териш — анча машаққатли иш. Мазкур мақол билан: «Меҳнат машаққат орқасида бунёдга келган нарсанинг қадр-қимматини бил, уни ардоқла, тежа, нест-нобуд ва оёқ ости қилма!», дейилмоқчи.

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 27 май, сешанба куни чиқади.

ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

«ЯХШИЛИК НИҲОЛИ» — янги жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари томонидан камида 5000 сўм миқдорида нақд пул ва нақд пулсиз — ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

«ЯХШИЛИК НИҲОЛИ» жамғарилувчи омонат тури соҳибларининг топшириғига кўра уларнинг ҳисоб варақаларидан маблағлар маиший хизмат тўловларига нақд пулсиз йўл билан ўтказилганда хизмат ҳақи олинмайди.

Маблағларингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

«Lochira»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2003 йил 23 июнь соат 15.00 да жамият биносида акциядорларнинг 2002 йил молиявий натижалари бўйича умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият ижро органининг 2002 йилда олиб борган ишлари бўйича ҳисоботи. 2002 йил Бизнес-режасининг бажарилиши ва 2003 йил учун Бизнес-режани тасдиқлаш.
2. 2002 йил молия-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2002 йил якуни бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. 2003 йилга аудитор фирмасини аниқлаш ва тўланадиган ҳақ миқдорини тайинлаш.
5. 2002 йил харажатлар сметасининг бажарилиши ва 2003 йил сметасини тасдиқлаш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда:

➲ Ижроия органи раҳбари ишига баҳо бериш, уни ёллаш шартномасини бир йилга узайтириш ёки қайта сайлаш;

➲ Жамият Устав фондини Фармон ва қарорда кўрсатилган суммага етказиш ёки бошқа ташкилий ҳуқуқий шаклга айлантириш;

➲ «Lochira» ОАЖ Кузатув Кенгаши тўғрисида янги Низомни тасдиқлаш;

➲ «Lochira» ОАЖ ижроия органи ҳақидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш.

7. 2002 йил якунлари бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини ва уни тўлаш тартибини тасдиқлаш.

Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузиладиган сана — 2003 йил 20 май.

2002 йил якунлари бўйича ўтказиладиган мажлис ҳужжатлари билан Кузатув Кенгашида танишиш мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Iochira»
очиқ акциядорлик жамиятининг
2002 йилги бухгалтерия баланси

Кўрсаткич номи:	минг сўм
АКТИВ	
1. Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	50423
2. Номоддий активлар (қолдиқ қиймат)	62
3. Уюшма корхоналаридаги акциялар	1066
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	17028
5. Олиб сотиладиган товарлар	695
6. Келгуси давр сарфлари	99
7. Пул маблағлари	20958
8. Дебиторлар	14523
БАЛАНС	104854
ПАССИВ	
1. Устав капитали	7532
2. Қўшилган капитал	182
3. Резерв капитали	33525
4. Тақсимланган фойда	43961
5. Мақсадли тушум	6636
6. Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	56910
7. Кредиторлар	7327
БАЛАНС	104854

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги иқтисодиёт инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Асатилла Дўстовга отаси

ИСМОИЛ ҳожи отанинг

вафот этганлиги муносабати билан яқин дўстлари чуқур таъзия изҳор этади.

«Овқатланиш ва савдо комбинати» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ошхонасининг собиқ директори

Сайфиддин МУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан унинг қариндош-уруғларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.